Ижобий фикр билдирилган

АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

МЧЖ «LEKSAN INFO» аудиторлик ташкилоти (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 15.11.2013й. 720-сон билан рўйхатдан ўтган, аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун АФ № 00346-сонли лицензия Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 15.02.2008 йилда берилган) Тошкент шахар Мукумий кўчаси 148-26 уйда жойлашган, телефон (371) 167-94-31, х/р 20208000404148704001 ТФ АТБ «Хамкорбанк» Тошкент шахри, МФО 00443, инн 203758433.

Аудиторлик ташкилотининг аудитори Умирзоков Эргашали Абдихаликович (аудитор малака сертификати № 04517 Ўз.Р. Молия вазирлиги томонидан 19.02.2013 йилда берилган) томонидан «OQ OLTIN DON MAXSULOTLARI» акциядорлик жамиятининг, 1.«Бухгалтерия баланси» №1, 2. «Молиявий натижалар тўгрисида хисобот» №2-шакл, 3. Сайхунобод туман ДСИга топширилган давлат бюджетига соликлар ва мажбурий ажратмалар бўйича хисоботлар нусхаси ва бошка бирламчи хужжатлардан иборат.

2016 йил 01 январдан 2016 йил 31 декабргача холатидаги молиявий хисоботининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдик.

Хўжалик юритувчи субъект рахбариятининг жавобгарлиги.

Хўжалик юритувчи субъект рахбарияти бухгалтерия хисоби тўгрисидаги конун хужжатларига мувофик молиявий хисоботнинг тайёрланиши ва хакконийлиги, хамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотиии жавобгарлиги.

Аудиторлик ташкилотини жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий хисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

«OQ OLTIN DON MAXSULOTLARI» акциядорлик жамиятининг илова килинган молиявий хисоботини аудиторлик текширишдан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий хисобот ва бошка молиявий ахборотлар барча мухимлилик жихатлари бўйича бухгалтерии хисоби тўгрисидаги конун хужжатларига мувофиклиги ва хакконийлигини бахолашдан иборат. Биз аудиторлик текширувни Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофик ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий хисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текуширувни режалаштиришни ва ўтказишни такозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулохазамизнинг предмети хисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий хисобот ишончлилиги тўгрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб хисоблаймиз.

Ижобий фикр.

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи «OQ OLTIN DON MAXSULOTLARI» акциядорлик жамиятининг 2016 йил 31 декабр холатидаги молиявий хисоботи барча мухимлилик жихатлари бўйича унинг молиявий холатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини хакконий акс эттиради ва бухгалтерия хисоби тўгрисидаги конун хужжатлари талабларига мувофик келади.

МЧЖ «LEKSAN INFO» аудиторлик

ташкилоти директори:- **Э.А.Умирзоков**

Аудитор:- **Э.А.Умирзоков**

Сана 27.03.2017 й.